

Томорқа - қўшимча даромад манбаи



Туманимиз деҳқонлари ҳам ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, ундан йил давомида ҳосил олиб келишмоқда. Термиз туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ходимлари ўз томорқасидан унумли фойдаланаётган воҳадошларимизнинг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида жойларда ўқув-семинарлари ташкил этишмоқда.

Навбатдаги ўқув-семинари деҳқончилик сир-асрорларини пухта ўзлаштирган “Қуёшли юрт” маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Мирвоҳид Эрназаров хонадонида бўлиб ўтди.

Ўқув семинарида Мирвоҳид Эрназаров томорқасида барпо этган иссиқхонасида етиштираётган маҳсулотларнинг турли зараркунандаларга бардошлиги, сифати, эртапишар навлар ва бошқа бир қатор тажрибалари билан бўлишди.